ISSN 2010-720X

# ILIM HÁM JÁMIYET

Bul dúnyanıń kórki adam balası
Ájiniyaz

Ájiniyaz atındaģı
NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ
N M P I
1934



# FAN VA JAMIYAT

2022 (№1)

Всем известно о том, что миром правит какая-либо идея. Политики ипредставители рабочего класса должны знать, почему и на кого они работают. Поэтому и нужна основа для их совместной работы. Именно в такой момент Елбасы выдвинул идею "Мәңгілік ел". Общая идея сначала рождается в виде предположений, мыслей и планов. Исо временем она становится сокрушительной силой. Идея - греческое слово, употребляемое в смысле образа, концепции, понятия. В зависимости от поставленной задачи, идея выделяется по-разному. Идея мотивирует и резонирует. Мотивация (англ.motivation) - понятие, которое широко используется в современной культуре и гуманитарных науках, а также в зависимости от значения казахских слов "ниет", "түрткі", "кірісу", "жігерлену", "ынталану". Немецкий философ иррационального волюнтаризма А.Шопенгауэр впервые в своей философской работе рассматривал это понятие как одно из четырех основных принципов. Move- и motivation буквально означает «двигаться, действовать». Но в современной культуре это понятие используется не в буквальном смысле, а часто в многовариантном, улучшенном, модифицированном смысле. Например, когда-то это была форма общественного сознания, отражающая окружающий мир, а теперь ее заменяет главное - вера в человека. Мотивация также используется в смысле основы, рассматриваемого нами вопроса о национальной идее, которая заключается в желаниях, намерениях и замыслах нации. Поэтому, если мы примем национальную идею за основу, то мы найдем решение проблемы.

Большой интерес представляет опыт патриотического воспитания, формирования и развития национальной идеи в ближнем зарубежье.

В системе образования многонациональной России актуален вопрос о воспитании подрастающего поколения в духе уважения к другим народам и любви к Родине. Молодое поколение России, столкнувшись с новой социальной реальностью, не принимает ценности прежней социальной системы. Возникла новая социальная форма личности. В этом случае важно сформировать обновленную систему патриотического воспитания, поставить новые задачи и повысить эффективность ее подходов и методов.

Гражданско-патриотическое воспитание в Беларуси, как и в других странах, предполагает активную гражданскую позицию личности, утверждение места гражданина в обществе, формирование внутренней свободы и ответственности за свой политический и нравственный выбор.

В Узбекистане большое внимание уделяется идее национальной независимости. Наряду с узбекским языком «Идея национальной независимости» преподается в качестве предмета в средних школах. Президент страны Шавкат Мирзиёев подаёт пример, выступая на родном языке на любых собраниях, встречах и международных форумах [3].

В Республике Таджикистан принимаются определённые меры по формированию патриотического воспитания. Органы исполнительной власти Республики Таджикистан предлагают другим государственным органам пути совершенствования системы патриотического воспитания в целях обеспечения реализации положений Концепции, государственных программ и планов в воспитании патриотизма; разрабатывают региональные долгосрочные программы(планы)и решают задачи патриотического воспитания через мобилизацию органов местного самоуправления, общественных и религиозных организаций.

Наша цель - стать независимым государством, основываясь на национальной идее Елбасы - «Мәңгілік ел»; государством, которое строит равноправные отношения со странами всего мира; и мы можем стать процветающей страной, где молодёжь с уверенностью смотрит в будущее.

Оценить и усвоить суть такого священного понятия является серьёзной задачей для современного поколения.

**Литература**


1. Сманов Б. Рухани жаңғыру және білім беру ісі. // «Ақиқат» ұлттық қоғамдық – саяси журналы. – Алматы: «Қазақ газеттері», 2018. №10.
2. «Мәңгілік Ел» патриоттық актісін түсіндіру бойынша әдістемелік құрал. – Астана: Ы. Алтынсарин атындағы Ұлттық білім академиясы, 2016.
3. http://anatili.kazgazeta.kz/news 57794.
4. Жарықбаев Қ., Қалиев С. Қазақ тәлім-тәрбиесі. -А.: 1995, 205-б.
5. Бержанов Қ., Мусин С. Педагогика тарихы. -А.: 1984, 254-б.



**РЕЗЮМЕ**

Ватанпарварлик ва унинг қадриятларини тарғиб қилиш. Қўшни мамлакатларда ватанпарварлик тарбияси. Хар бир халқнинг юрт ва ер равнақида қўшган хиссаси, аждодлар, анъаналари.

**РЕЗЮМЕ**

Популяризация патриотизма и его ценностей. Патриотическое воспитание в странах ближнего зарубежья. Вклад каждого народа в процветание страны и земли, традиции предков, поколения.

**SUMMARY**

Popularization of patriotism and its values. Patriotic education in the near abroad. The contribution of each people to the prosperity of the country and the land, ancestral traditions, descendants.


## ТУРКИСТОН АССР АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИ: ТУРЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ


**О.Ҳ.Жайнаров –** *тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** Туркистон АССР, адлия органлари, манбалар, архив ҳужжатлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва материаллар, даврий матбуот материаллари, статистик тўпламлар.

**Ключевые слова**: Туркестанская АССР, органы юстиции, источники, архивные документы, нормативно-правовые документы и материалы, периодические издания, статистические сборники.

**Key words:** Turkistan ASSR, bodies of justice, sources, archival documents, normative legal documents and materials, periodicals, statistical collections.


Тадқиқот ишида мавзуга доир манбаларни таҳлил қилиш, уларнинг хусусиятларини кўрсатиб бериш, баҳолаш мавзунинг кўплаб ўзига хос жиҳатларини очишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан Туркистонда адлия органлари фаолияти мавзусининг тарихшунослиги масалалари [1] билан бир қаторда манбашунослигини ҳам алоҳида тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Туркистон ўлкасида адлия органларининг 1917–1924 йиллардаги фаолиятига оид манбаларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

– архив ҳужжатлари;

– нашр қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва материаллар;

– даврий матбуот материаллари;

– статистик тўпламлар.

Совет адлиясининг 1917–1924 йиллардаги фаолиятини ўрганишда архив ҳужжатлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб ҳужжатларда воқеликни ҳаққоний акс эттирувчи далиллар сақланиб қолган. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви (ЎзМА), Тошкент шаҳар Марказий Давлат архиви (Тошкент МДА), Тошкент вилоят давлат архиви (Тошкент ВДА)да мавзуга оид кўплаб ҳужжатлар сақланмоқда. Хусусан, ЎзМАнинг Р-17, Р-25, Р-34, Р-38, Р-39, Р-64, Р-343, Р-344, Р-360, Р-368, Р-904-фондларида Туркистон адлия органлари фаолиятига тегишли кўплаб ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар адлия органларининг турли жиҳатларини ўзида жамлаган. Жумладан, ТАССР МИҚ (Р-17) ва ХКС (Р-25) фондларида давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими тарихига доир муҳим ҳужжатлар билан бир қаторда адлия тизимининг ҳолатига доир ҳисоботлар, билдиришномалар, йўриқномалар сақланмоқда. ТАССР Адлия халқ комиссарлиги фонди (Р-38)да сақланаётган архив ҳужжатлари ўзининг мавзуга доир маълумотларни кенг қамраб олганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу фонд 5 та рўйхат (опис)дан ташкил топган бўлиб, фонднинг 1-5-рўйхатларидаги ҳужжатлар асосан, шахсий таркиб йиғма жилдларидан иборат. 2-рўйхатда эса мавзуга доир турли масалаларни қамраб олган 465 сақлов бирлигидаги йиғма жилдлар мавжуд. Фонднинг 3 рўйхати архивнинг махфий белгиси остида сақланмоқда. 41 сақлов бирлигидаги йиғма жилдлардан иборат 4-рўйхат ҳам мавзуга доир қатор маълумотларни ўзида жамлаган [2].

Фондда сақланаётган ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, уларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

– ўлкада фаолият кўрсатган судлар ва судлов жараёнларини ўзида

қамраб олган йиғмажилдлар;

– прокуратура, адвокатура, ва нотариал идоралари фаолиятига оид йиғмажилдлар;

– адлия комиссарлигининг ҳудудлардаги бўлимлари ҳақидаги ҳужжатлар;

– шахсий таркиб маълумотларидан иборат йиғмажилдлар.

Таъкидлаш керакки, ушбу фондда Туркистон АССРдаги суд муассасалари фаолиятига тегишли бўлган йиғмажилдлар, адлия комиссарлигининг бошқа органлари ҳужжатларига қараганда кўпроқни ташкил қилади. Хусусан, биргина 2 рўйхатдаги 100 дан зиёд йиғмажилдлардаги ҳужжатларда айнан шу масала бўйича маълумотлар ўрин олган. Бу йиғмажилдларда Адлия халқ комиссарлигига қарашли барча суд муассасаларининг фаолияти, фуқароларнинг судлов жараёнлари устидан билдирган шикоятномалари [3], халқ судлари фаолияти, маҳаллий аҳолининг ушбу судларга муносабати ва бошқа шу каби қатор масалаларга оид ҳужжатлар мавжуд. Бундан ташқари ушбу рўйхатда, РСФСР ҳамда Туркистон ХКСнинг ўлкадаги судлар фаолиятига оид қарор, фармон, декретлари ҳам ўрин олган.

Ўлкадаги прокуратура, адвокатура ва нотариат идоралари фаолиятига оид ҳужжатларнинг талайгина қисми ушбу фондда сақланмоқда. Прокуратура соҳасига оид ҳужжатларда Туркистонда прокуратура органларининг ташкил қилиниши, уларнинг вилоятлардаги фаолияти (231, 289-йиғмажилдлар), вилоят ва уезд прокуратура органларининг штатлар жадвали (354, 360, 387, 406-йиғмажилдлар), прокурорларнинг шахсий таркиби, ходимларнинг маълумот даражаси (16, 146 а, 239, 285, 324, 354, 359, 411 йиғмажилдлар), прокуратура харажатлари тўғрисидаги ҳисоботлар ва сметалар (358, 370 йиғмажилдлар), ҳамда ТАССРда фаолият олиб борган прокуратура органлари тўғрисида Адлия халқ комиссарининг маърузаси (371 йиғмажилд) каби масалаларга оид ҳужжатлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Адвокатура ва нотариал идоралари тўғрисида ушбу фондда маълумотлар бошқа соҳалардаги ҳужжатларга қараганда камчиликни ташкил қилади. Бу ҳолатни ўша даврда бу соҳаларга катта эътибор қаратилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Адвокатура ва нотариал идораларига оид ҳужжатларда ўлкада адвокатларнинг кўпайтирилиши бўйича кўрилган чора-тадбирлар [4], Тошкент шаҳри ва Еттисув вилояти участкаларидаги нотариат идоралари рўйхати, нотариусларнинг шахсий таркиби ҳақидаги маълумотлар [5], ушбу соҳаларнинг харажатлар сметаси, улар тўғрисидаги ҳисоботлар, Стромилов ва Спасибухов каби халқ нотариуслари тўғрисидаги ҳужжатлар [6] ўрин олган. Шунингдек, Р-17, 25, 34-фондлардаги 40 дан ортиқ йиғмажилдларда ҳам адлия органлари фаолиятига тегишли ҳужжатлар сақланмоқда.

Адлия халқ комиссарлигининг жойлардаги бўлимларига тегишли йиғмажилдларда Туркистон АССРнинг Самарқанд, Фарғона, Амударё, Еттисув, Каспийорти вилоятларидаги адлия органларининг йиллик ҳисоботлари, баённномалари, маълумотномалар, анкета варақлари, ходимлар рўйхати, телеграммалар, харажатлар сметаси каби ҳужжатлари мавжуд бўлиб, уларни қиёсий таҳлил қилиш орқали жойлардаги адлия бўлимларининг аҳволи, иш фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Шахсий таркиб маълумотларидан иборат йиғмажилдларда адлия органлари тизимида фаолият олиб борган ходимлар тўғрисидаги ҳужжатлар ўрин олган. Хусусан, Р-38 фонднинг 1-рўйхати шахсий таркибга оид ҳужжатлардан таркиб топган. Ушбу рўйхатга киритилган шахсий таркиб йиғмажилдлари комиссарликнинг бўлимлари бўйича хронологик кетма-кетликда жойлаштириб чиқилган. Йиғмажилдлардаги ҳужжатларнинг даврий чегараси эса 1917–1924 йилларни ўз ичига олади. Фонднинг 5-рўйхатидаги йиғмажилдларда шахсий таркиб ҳужжатлари билан бир қаторда ТАССР Адлия халқ комиссарлигининг буйруқлари, вилоят адлия бўлимларининг рўйхати, штат жадваллари ҳақидаги ҳужжатлар ҳам сақланмоқда.

Р-360-фондда Туркистонда адлия ходимларини тайёрлаш учун ташкил қилинган қисқа муддатли курслар фаолиятига тегишли ҳужжатлар: курс маъмурияти, ўқув курсларига ажратилган маблағлар, дарс берган ўқитувчилар ҳамда тингловчилар рўйхатлари мавжуд.

Туркистон Давлат университети фонди (Р-368)да эса ҳуқуқшунослар тайёрлашга оид кўплаб маълумотлар жамланган. Хусусан, “ҳуқуқ бўлими”, унинг таркибий тузилиши, бўлимдаги профессор-ўқитувчилар ҳамда улар томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, ушбу фондда университетнинг ҳуқуқшунослар тайёрлаган ижтимоий-иқтисодий факультети фаолияти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар сақланмоқда.

Тошкент шаҳар Марказий Давлат архивидаги қатор фондларда ҳам адлия органлари фаолияти тегишли бир қанча маълумотлар мавжуд. Хусусан, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси фонди (10-фонд), Тошкент Давлат университети фонди (38-фонд), шаҳар нотариат конторалари фонди (60-фонд)ларида Тошкент ва Сирдарё ҳудудларида фаолият кўрсатган адлия органлари фаолиятига тегишли ҳужжатлар ўрин олган.

Тошкент вилояти давлат архивидаги Сирдарё вилоят судлари кенгаши (Р-281-фонд), Сирдарё вилоят суди

ҳузуридаги ҳимоячилар коллегияси (Р-282-фонд), Сирдарё вилоят прокурори (Р-922-фонд) ҳамда бошқа фондларда сақланаётган ҳужжатлар совет адлия тизимининг Туркистондаги зиддиятли фаолиятини тўла ёритиб беришга хизмат қилади.

Туркистон АССР адлия органлари фаолиятининг моҳиятини илмий-назарий таҳлил қилишда РСФСР ва ТАССРларнинг олий ҳокимият идоралари томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим манбалардан бири ҳисобланади [7]. Ушбу давлатлар ҳукумати томонидан чиқарилган декрет, низом, йўриқнома ва қарорлар тўплам тарзида нашр қилинган. Бундан ташқари адлия таркибидаги органларнинг фаолиятига доир ҳужжатли материаллар ҳам чоп қилинган. Хусусан, “История советской прокуратуры в важнейших документах (К 30-летию советской прокуратуры (1922–1951))” номли тўпламда совет прокуратураси фаолиятига доир муҳим ҳужжатлар ўрин олган [8].

Кейинги йилларда РСФСР, – СССР ва ЎзССР ҳукуматлари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўпламларига минтақа адлия тизимига оид айрим қонун ҳужжатлари ҳам киритилган. Таъкидлаш керак, Туркистонда совет адлия тизими фаолиятининг ҳаққоний манзарасини тиклаш, уларнинг вазифа ва ваколатларини аниқлашда ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни батафсил, хронологик изчилликда ўрганиб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Туркистонда адлия органлари фаолияти ўша даврдаги вақтли матбуот саҳифаларида ҳам атрофлича ёритилган. Жумладан, “Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики”, “Еженедельник советской юстиции”, “Вестник юстиции Узбекистана”, “Спутник советского юриста”, “Советское право”, сингари журналларда ўлка адлия идоралари фаолиятига доир янгиликлар, тизимдаги ислоҳотлар ва муаммолар, соҳа фаолиятининг ҳуқуқий асослари муттасил бериб борилган [9]. Чоп этилган мақола муаллифларининг кўпчилиги адлия идоралари ходимлари бўлиб, мақолаларда адлия идоралари фаолияти масаласига ёндошувда бирёқламалик ҳолатларини кўп учратиш мумкин. Фақатгина баъзи мақолаларда адлия органлари фаолияти танқидий таҳлил этилганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари “Известия ТурЦИК” “Туркистон”, “Стенная газета Роста”, “Наша газета”, “Туркестанская правда” каби газеталарда меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат ва адлия раҳбарларининг тизимдаги ҳолат юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, инқилобий судлар ҳамда инқилобий трибуналлар фаолиятига доир маъруза ва мақолалари мунтазам эълон қилиб борилган [10].

Мавзу моҳиятини тўла очиб беришда статистик тўпламлар [11] ҳам алоҳида ўринга эга. Тўпламларда адлия идораларининг 1917–1924 йиллардаги фаолиятига тегишли фактик маълумотлар мавжуд. Хусусан, статистик тўпламлар ўлкада адлия муассасаларининг сони, улардаги штат жадваллари, кадрларнинг миллий ва ижтимоий таркиби, маълумот даражаси ва ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи ҳақида хабар беради.

Совет адлиясининг жазо органлари томонидан жиноят қилган шахсларга нисбатан қўлланилган жазо чоралари ва турлари, жазони ўташ муассасалари тўғрисидаги маълумотлар, уларда сақланаётган маҳкумлар ҳақидаги статистик маълумотларни таҳлил қилиш жиноятчиларнинг миллати, ижтимоий аҳволи, партиявий мансублиги, ёши ва жиноят турини аниқлаш имконини беради. Бу эса ўлкадаги совет адлиясининг ўрганилаётган даврдаги фаолиятига баҳо беришда ўта муҳим ҳисобланади.

Хуллас, Туркистонда адлия органлари фаолиятига доир манбалар бугунги кунга қадар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмади. Манбаларни таҳлил қилиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш Туркистон адлия органларининг 1917–1924 йиллардаги фаолиятини холисона баҳолашга, уларининг кўплаб қирраларини очиб беришга хизмат қилади.

**Адабиётлар**


1. Жайнаров О. Деятельность органов юстиции в историографии XX века // История, политология, социология, философия: теоретические и практические аспекты / Сб. ст. по материалам XIII междунар. науч,- практ. конф. № 8 (9). -Новосибирск: Изд. АНС «СибАК», 2018. -С. 17-23.
2. Путеводитель по отделу фондов Октябрской революции социалистического строительства. Центральный Государственный архив Узбекской ССР // Отв ред. Ланда Л.М. -Ташкент: 1963.
3. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 123-йиғма жилд.
4. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 48-йиғма жилд, 90-92-варақлар.
5. ЎзМА Р-38-фонд, 4-рўйхат, 15-йиғма жилд.
6. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 218-йиғма жилд.
7. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики (с 23 января 1917 г. По 1 июля 1918 г.). – Ташкент, 1918. – 37 с.; Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Республики. – Ташкент: Типография ТАССР, 1918. – 50 с.; Сборник декретов, постановлений, приказов и распоряжений ЦИК Советов Туркестанской Республики. – Ташкент: Госиздат, 1919. – 60 с.; Сборник декретов, постановлений, приказов и распоряжений ЦИК Советов Туркестанской Республики. – Ташкент: Госиздат, 1920. – 44 с.; Материалы Наркомата Юстиции. Вып. 10. – Москва, 1921. – С. 23-24.; Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР за 1917–1922 гг. – Ташкент: Туркгосиздат, 1923. – 213 с.; Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР. – Ташкент: Туркгосиздат, 1923. – 46 с.; Сборник декретов, постановлений, приказов и распоряжений правительства ТССР. – Ташкент: Средазгосиздат, 1924. – 70 с.; Сборник декретов, постановлений и распоряжений правительства ТАССР за 1924г., сентябрь-октябрь-ноябрь. – Ташкент: Изд. НКЮ ТАССР, 1924. – 78 с.; История законодательства СССР и РСФСР по уголовному процессу и организации суда и прокуратуры 1917–1954 гг. Сборник документов. – Москва: Госюриздат, 1955. – 636 с.; Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. Сборник документов. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1947. – 230 с.; История советской Конституции. Сборник документов 1917–1957 гг. – Москва: Изд-во АН СССР, 1957. – 551 с.; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. I. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1963. – 660 с.; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. II. – Ташкент: Фан, 1972. – 608 с.; Советские конституции. Хрестоматия. В 4 частях. Часть 1. Первые советские республики, 1918–1922 гг. / Сост. Д.В. Кузнецов. [Электронный ресурс]. – Благовещенск: Благовещенский государственный педагогический университет, 2015. – 156 с. URL: http://istfil.bgpu.ru/.
8. История советской прокуратуры в важнейших документах. –Москва: Юрид-изд, 1947. – 544 с.; История советской прокуратуры в важнейших документах (К 30-летию советской прокуратуры (1922–1951)). / Под ред. К.А. Мокичева. – Москва: Госюриздат, 1952. –С. 584.
9. Приказ Совет Комиссаров Туркестанской Республики // Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики. – Ташкент, 1919. – № 2. – С. 2-3; Об изменении такси оплаты нотариалных действий // Спутник советского юриста. –Москва: 1923. № 5 (8) -С. 74; Аронович А. Распределительные комисси // Советское право. – Москва, 1923. – № 1 (4). – С. 86-91; В Енисейской губернской Коллегии защитников // Еженедельник советской юстиции. – Москва: 1924 № 31. -С 736.
10. Дело Доррера // Наша газета. 9 декабря 1917 г; Открытие краевого съезда судебных деятелей // Наша газета. 17 мая 1918 г; Положение о революционных трибуналах // Известия ТурЦИК. 13 февраля 1920 г; Курсы судебных работников // Стенная газета Роста. 6 октябрь 1920 г; Вечерных курсах судебных работников // Известия ТурЦИК. 14 ноября 1920 г; Крутиков. Суд над контр-революцией // Известия ТурЦИК. 3 июня 1922 г; Коммунист Г.А. Государственная прокуратура // Известия ТурЦИК. 2 июля 1922 г; 1-й съезд деятелей юстиции Узбекского народа // Известия ТурЦИК. 12 июля 1922 г; Киселев А. Советская адво-

катура // Туркестанская правда. 7 декабря 1922 г; В органах юстиции Туркестанская правда. 8 мая 1924 г; Туркистонда адлия ишлари // Туркистон. 1924 йил 23 октябр.

11. Статистический ежегодник. – Москва: Типография МКХ, 1922. – 425 с.; Статистический ежегодник 1917–1923 гг. Т. I. – Ташкент: Изд-во ТЭС, 1924.– 451 с.; Статистический ежегодник 1917–1923 гг. Т. II. -Ташкент: Изд-во ТЭС, 1924. –С.600.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Туркистон АССР адлия органлари фаолиятининг манбашунослик масалалари таҳлил қилинган. Бунда асосан адлия органлари фаолиятига тегишли манбалар алоҳида турларга ажратиб чиқилган. Манбаларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари кўрсатилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируются источники деятельности органов юстиции Туркестанской АССР. При этом источники, связанные с деятельностью органов юстиции, делятся на отдельные типы. Показаны общие и частные аспекты источников.

**SUMMARY**

The article analyzes the sources of activities of the justice bodies of the Turkistan ASSR. At the same time, the sources associated with the activities of the justice authorities are divided into separate types. General and specific aspects of the sources are shown.

## SAYLAW HUQÍQÍ – PUQARALARDÍŃ SIYASIY HUQÍQÍ SÍPATÍNDA

**E.M.Tilewov –** *pedagogika ilimleri boyinsha filosofiya doktorı*

**M.K.Pirniyazova –** *assistent oqıtıwshı*

*Ajiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*

**Tayanch so'zlar:** davlat, jamiyat, shaxs, konstitutsiya, kodeks, demokratiya, referendum, aktiv saylov, passiv saylov, normativ huquqiy hujjat.

**Ключевые слова:** государство, общество, личность, конституция, кодекс, демократия, референдум, активные выборы, пассивные выборы, нормативно-правовые акты.

**Key words:** coutry, society, personality, constitution, code, democracy, referendum, active election, passive election, regulatory document.

Biziń mámleketimizdiń aldına qoyǵan maqseti – huqıqıy demokratiyalıq mámleket, puqaralıq jámiyet qurıw hám hár bir insan ushın múnásip turmıs jaǵdayın jaratıp beriw bolıp tabıladı.

Ózbekstanda mámleket hákimiyatı organlarına ótkiziletuǵın saylawlar demokratiyalıq tiykarda ótkiziledi. Ózbekstanda tereń tamır urıp baratırǵan demokratiya dúnyada tán alınǵan demokratiyalıq dástúrlerin ózinde jámlestiredi. Bul demokratiya hesh qanday milliy, rasalıq hám basqa sheklewlerdi bilmeydi.

Ózbekstan Respublikası Konstituciyasınıń 32-statyasında «Ózbekstan Respublikasınıń puqaraları jámiyet hám mámleket islerin basqarıwda tuwrıdan-tuwrı hám de óz wákilleri arqalı qatnasıw huqıqına iye. Bunday qatnasıw ózin-ózi basqarıw, referendumlar ótkiziw hám mámleket organların demokratiyalıq tárizde shólkemlestiriw, sonday-aq mámleket organlarınıń iskerligi ústinen jámáátshilik qadaǵalawın rawajlandırıw hám qáliplestiriw jolı menen ámelge asırıladı.

Saylaw, saylanıw túsinikleri búgin yaki keshe payda bolǵan emes. Bunıń tariyxı áyyemgi dáwirlerden baslanǵan. Saylaw túsinigi - wákillik organınıń dawıs beriw jolı menen dúziliw tártibi. Házirgi saylawlar túp mánisi menen aldıńǵılardan parıqlanadı. Házir saylaw huqıqı degende wákillik organların saylaw waqtında payda bolatuǵın qatnasıqlardı tártipke salıp turıwshı huqıqıy normalar jıynaǵı túsiniledi.

Saylaw huqıqı túsiniginiń jáne bir mánisi bar. Bul túsinik puqaralardıń saylawda qatnasıwı, wákillik organlarına saylaw hám saylanıw subektiv huqıqın belgilep beriw ushın qollanıladı. Bul jerde aktiv saylaw huqıqı menen passiv saylaw huqıqın túsiniw kerek.

Aktiv saylaw huqıqı – puqaralardıń saylaw wákillik organların saylawda qatnasıw huqıqın bildiredi. Passiv saylaw huqıqı – bul saylanıw huqıqı bolıp tabıladı.

Ózbekstan Respublikasında saylaw huqıqı óziniń huqıqıy tiykarlarına iye. Bul saylaw ótkeriw tártibin belgilewshi Ózbekstan Respublikası konstituciyalıq huqıqıy normalarınan ibarat. Bunday huqıqıy normalarǵa: Ózbekstan Respublikası Konstituciyası (23-bap), Qaraqalpaqstan Respublikası Konstituciyası (23-bap) babınıń saylaw haqqındaǵı normaları, Ózbekstan Respublikası Saylaw kodeksi hám basqa da saylaw processine tiyisli normativ-huqıqıy hújjetler kiredi.

Ózbekstan Respublikası Konstituciyasınıń 117-stat`yasında «Ózbekstan Respublikasınıń puqaraları mámleket hákimiyatı wákillik organlarına saylaw hám saylanıw huqıqına iye. Hár bir saylawshı bir dawısqa iye. Dawıs beriw huqıqı, óz qálewin bildiriw teńligi hám erkinligi nızam menen kepillenedi»dep kórsetilgen.

Saylaw kúnine shekem yaki saylaw kúninde 18 jasqa tolatuǵın, tiyisli saylaw uchastkası aymaǵında turaqlı yaki waqtınsha jasap atırǵan Ózbekstan Respublikasınıń puqaraları saylawshılar dizimine kiritiliw huqıqına iye. Hár bir saylawshı tek bir saylawshılar dizimine kiritiliwi mumkin. Hár bir puqara – saylawshı bir dawısqa iye. Ózbekstan Respublikası puqaraları jınısı, rasası hám milliy tiyisliligi, tili, dinge qatnası, sociallıq kelip shıǵıwı, isenimi, shaxsı hám sociallıq jaǵdayı, maǵlıwmatı, shınıǵıwınıń túri hám qásiyetine qaramastan, teń saylaw huqıqına iye.

Sonıń menen birge, sud tárepinen qatnasıqqa uqıpsız dep tabılǵan, sonday-aq awır hám oǵada awır jınayatlar islegenligi ushın sudtıń húkimi menen azatlıqtan ayırıw orınlarında saqlanıp atırǵan shaxslar saylawda qatnaspaydı. Basqa hár qanday jaǵdaylarda puqaralardıń saylaw huqıqların tuwrıdan-tuwrı yaki basqasha sheklewlerge jol qoyılmaydı.

Ózbekstan Respublikası Prezidenti saylawında Ózbekstan Respublikasınıń shet elde bolıp atırǵan puqaraları da saylaw huqıqına iye bolıp tabıladı. Ózbekstan Respublikasınıń shet el mámleketlerindegi diplomatiyalıq hám basqa wákilxanaları janında saylaw uchastkaları dúzilip, usı mekemeler baslıqları tárepinen sol mámleketlerde bolıp atırǵan Ózbekstan puqaralarınıń dizimi qáliplestiriledi. Bular puqaralardı saylawshılar dizimi menen tanısıw usılı, ornı hám waqtı haqqında xabardar etedi.

Nızamda shet mámleketlerde turǵan puqaralarǵa Ózbekstan Respublikasınıń shet el mámleketlerindegi diplomatiyalıq hám basqa wákilxanaları janında dúzilgen uchastka saylaw komissiyalarına olardı saylawshılar dizimine kiritiw haqqında saylawdan 15 kún aldın jazba formada yaki Ózbekstan Respublikası Sırtqı isler ministrliginiń rásmiy veb-saytı arqalı elektron formada múrájáát etiwi múmkinligi kórsetilgen.

Ózbekstanda saylawlardı ótkeriwdiń konstituciyalıq principleri ulıwma dúnya júzilik demokratiyalıq úlgilerge tolıq tuwrı keledi. Bul saylawlar ulıwma, teń, tuwrıdan-tuwrı, jasırın dawıs beriw jolı menen ámelge asırıladı.

Ózbekstannıń saylaw nızamshılıqları principleri Konstituciyaǵa tiykarlanadı, onda dúnya tájiriybesi hám de milliy tájiriybede esapqa alınǵan.

Saylaw huqıqınıń principleri tómendegilerden ibarat hám olardıń mánis-mazmunın tómendegishe túsindiriw múmkin:

Ulıwma saylaw huqıqı. Bul princip mánisine kóre, saylawlardıń ulıwmalıǵı, yaǵnıy Ózbekstan Respublikası Prezidentligine, Ózbekstan Respublikası Oliy Májilisi

# M A Z M U N Í

## TÁBIYIY HÁM TEXNIKALÍQ ILIMLER

### Fizika. Matematika. Texnika. Informatika

**Alaminov M.X., Igilikov A.J.** Ekinshi tártipli differencial-operator teńleme ushın qoyılǵan koshi máselesiniń sheshimi haqqında ........ 3
**Asqarov M.A., Koshkarbaeva R., Ubaydullaeva A.** Sızıqlı teńlemeler sistemasının bazıbir qollanıwları ........ 4
**Asqarov M.A., Sarsenbaeva M., Gubenova G.T.** Kópaǵzalılar korenlerin anıqlawdın bazıbir usılları 7
**Байтураев А.М., Шахобиддинова З.Б.** Некоторые кардинальные свойства плоскости немыцкого 8
**Islomov Sh.E., Asqarov I.B.** Avtotransport korxonalarini boshqarishda qaror qabul qilish usullarini qo’llash ........ 11
**Каландаров И.И., Буронов Б.М., Калханов П.Ж.** Инвариантные системы автоматического управления с релейным усилителем ........ 13
**Корабоев К.А., Сапаев У.К.** Теоретическое исследование влияния квантового ограничения на энергетический спектр полупроводниковых сферических квантовых точек с использованием частицы в модели ловушки ........ 15
**Qutlımuratov B.J., Ubbiniyazova A.B.** Lere-koppelmannıń tiykarǵı integrallıq formulası hám onnan kelip shıǵıwshı nátiyje ........ 18
**Махмудов М.Ж., Суяров М.Т.** Кислородли қўндирмаларнинг автобензин компонентларининг чўкма ҳосил қилиш хоссаларига таъсири ........ 20
**Mavlonov G‘.X., Isamov S.B., Usmonov A.A., Kenjayev Z.T.** Kremniyga fosfor va bor atomlarining ketma-ket diffuziyasi ........ 23
**Мухамедиева Д.Т., Зиядуллаев Д.Ш., Ўроқов Ш.** Simulation of reproduction of fixed assets and current capitals of the agroindustrial complex ........ 24
**Navruzov E.R., Maxarov Q.T., Raximova M.A.** Sinflarga ajratish masalasida alomatlarning informativligini baholash va ularni tanlash ........ 27
**Nurimbetov K., Yavidov B.** External light induced increase of superconductivity of cuprates ........ 30
**Зикриллаев Н.Ф., Кушиев Ғ.А., Турсунов О.Б., Ҳамроқулов Ш.И.** Диффузион технология билан $Ge_xSi_{1-x}$ асосида гетеро ва варизон структура ҳосил қилиш ва унинг оптик хусусиятларини ўрганиш ........ 32

### Biologiya. Ximiya

**Baltabaev M.T., Baltabaeva V.M., Karlıbayeva M.** «Aralqum» toǵayzarlıqqa aylanbaqta ........ 34
**Бўриев С.Б., Шаропова Ш.Р.** Бухоро шахрида жойлашган ҳовузларнинг санитар-гигиеник текширув натижалари ........ 35
**Кабулова Л.К., Атакузиев Т.А., Оразимбетова Г.Ж., Избасарова Г.Б.** Термообработанный туффит – в качестве гидравлической добавки для портландцемента ........ 37

## JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

### Ekonomika

**Ешимбетов У.Х., Искендеров А.Б., Турдыбекова З.М., Атамуратов И.А.** Формирование территориальных минерально-сырьевых комплексов в Республике Каракалпакстан ........ 40
**Узақбаев Қ.К.** Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини тадқиқ этишнинг илмий-услубий асослари 43

### Tariyx. Huqıqtanıw

**Абдуллаева Я.А.** Қорақалпоғистон олий таълим муассасаларида гендер масаласини ечишнинг стратегияси ........ 45
**Рузиева Д.И., Арзымбетова Ш.Ж., Даулеталиева Д.М.** Патриотическое воспитание в Казахстане и странах ближнего зарубежья ........ 48
**Жайнаров О.Ҳ.** Туркистон АССР адлия органлари фаолияти тарихи манбашунослиги: турлари ва таҳлили ........ 49
**Tilewov E.M., Pirniyazova M.K.** Saylaw huqıqı – puqaralardıń siyasiy huqıqı sıpatında ........ 52

## TIL BILIMI HÁM ÁDEBIYATTANÍW

### Til bilimi

**Allaniyazova Sh., Ótebaeva D.** Ekologiyalıq terminler – sózlik quramnıń bir bólegi ........ 54
**Байниязова С.Т.** Выражение темпоральности в немецком и каракалпакском языках ........ 55
**Халмуратов И., Кдырбаева Г.** Вопрос категории падежа в каракалпакском и английском языках 57
**Ибрагимов Ю.М.** Жанубий Оролбўйи ўзбек шевалари лексикасидаги айрим сўзларнинг этимологик талқини ........ 58